

Тазкия дарслари (96-дарс). Саҳар чоғининг фазилати



14:30 / 01.08.2020 6686

Кечанинг олтидан бири қолган вақт. Буни саҳар вақти ҳам дейилади. Бу истиғфор айтиладиган вақтдир.

Аллоҳ таоло Зориёт сурасида марҳамат қилади:

«Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар» (18-оят).

Саҳар чоғида туриш, истиғфор айтиб, гуноҳининг кечирилишини сўраш жуда ҳам фазилатли иш бўлиб, буни қилган кишилар хайр-барака, улуғ мартабаларга эришадилар.

Ҳадиси шарифлардан бирида Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар: «Албатта, Аллоҳ таоло ҳар куни кечанинг учдан бири қолганда

дунё осмонига тушади ва тонг отгунча: «Тавба қилувчи борми, тавбасини қабул қиламан; истиғфор айтувчи борми, мағфират қилиб, гуноҳини кечаман; сўровчи борми, сўраганини бераман», дейди».

Шунинг учун иложи борича саҳарда туриб ибодат қилишга, истиғфор айтишга уриниш лозим.

Товус раҳматуллоҳи алайҳи бир кишини саҳар чоғи келиб сўраса, ухлаётганини айтишибди. Шунда у: «Саҳар чоғи бирор киши ухламаса керак, деб ўйлардим», деган экан.

«Руҳий тарбия» китобидан